


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.
- Республика таълим маркази

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналишининг умумий таснифи.....	4
1.1 Қўлланиш соҳаси	4
1.2 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .	4
2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	7
3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	11

1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналишининг умумий таснифи

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари: **5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)** таълим йўналиши – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари,

давлат бошқаруви органлари, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини янгиланган ҳолда ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

1.2.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– асосий ўрганилаётган ва иккинчи чет тилнинг назарий ва амалий асосларини ўргатиш, мазкур тилларда илмий ва бадий адабиётларни ўқиш ва оғзаки нутқ малакасини ошириш; умумий тилшунослик ва адабиётшуносликнинг назарий масалалари; асосий ҳамда иккинчи чет тил сифатида ўрганилаётган халқ адабиёти, унинг тарихи ва ҳозирги ҳолати, адабий алоқалар, таржима назарияси ва амалиётининг асослари, матн таржимаси, оғзаки таржима масалалари, ўрганилаётган тил методикаси, дарс бериш маҳорати, нутқ маданияти тамойиллари кабилардан иборат. Чет тили таълими жараёнлари; таълим тизими ўқув-тарбия жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари; роман-герман тилшунослиги ва адабиётшунослиги; тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари; адабиёт назарияси, адабиётшунослик тарихи, нутқ маданияти ва услубияти; мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; маънавий-маърифий тарғибот ишлари соҳаси; муҳаррирлик ва мусахҳахлик; чет тили ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– *умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим;*

– *муассасаларида ўрганган асосий ва иккинчи чет тилларини ўқитиш;*

– *таълим муассасалари ва мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида кабинет мудири, методист ва уларга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*

– *чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш курсларида фаолият юритиш;*

– *турли давлат ва нодавлат корхона ва ташиқлотларда таржимон бўлиб ишлаш;*

– *гуманитар фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот институтларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*

– *ОАВ соҳасидаги ташиқлотларда ихтисослигига мос лавозимларда ишлаш;*

– *маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;*

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини янгиланган ҳолда ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

1.2.3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

• *таълим муассасаларида илмий-педагогик ва педагогик;*

• *илмий-тадқиқот;*

• *таржимонлик;*

- *ташкилий-бошқарув;*
- *ОАВда мухбирлик, ноширлик ва муҳаррирлик;*
- *маънавий-маърифий;*
- *консалтинг хизмати фаолияти* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини янгиланган ҳолда ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.

Таълим соҳаси йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналишини тугатган бакалаврлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган турдош магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

--хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Таълим муассаларида илмий-педагогик ва педагогик фаолиятда:

– умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида ўрганган асосий ва иккинчи чет тилларини ўқитиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

– чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қисқа курслар);

мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– тилшунослик соҳасидаги илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи;

– намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий ахборотларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш;

– илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш;

– соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда излаш ва топиш;

- илмий-тадқиқот ва таълим муассасаси жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Таржимонлик фаолиятида:

– давлат ва давлатга қаршли бўлмаган хусусий ташкилотларда чет тиллардан таржимонлик қилиш;

– маориф, маданият, туризм соҳаларида, турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, қўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлаш;

– давлат бошқарув тизимида фаолият юрита олиш;

- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш;
- меҳмонхоналарда ва сайёҳлик фирмаларида менежерлик ва маъмурий ходим сифатида ишлаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятда:

Бакалавр:

- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

ОАВ да мухбирлик, ноширлик ва муҳаррирлик фаолиятида:

- оммавий ахборот воситаларида мухбирлик ва муҳаррирлик ишларини амалга ошириш, мустақил мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш қобилиятини шакллантириш;
- нашриёт ва таҳрир соҳасида бадиий ва илмий асарларни, соҳага оид рисола ва монографиялар бўйича мусахҳих ва муҳаррирлик фаолиятини амалга ошириш;
- ноширлик муассасаларида таржимон ва адабий ходим бўлиб фаолият юритиш;
- архив ва адабиёт музейларида экскурсовод, илмий ходим сифатида ишлаш ва соҳага оид иш жараёнини ташкил қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Маънавий-маърифий фаолиятда:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий ғояни сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантириш метод ва технологияларини билиш;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда миллий тил ва адабиётнинг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбатлар ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио махсулотларни экспертиза қилиш;
- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;
- мамлакатдаги турли фойдаланиш кўламига эга бўлган тилларга тизимли ва функционал тавсиф бера олиш;
- касбий фаолиятда ҳозирги ва тарихий адабий жараёнларни ва турли жанрга мансуб бадиий асарларни таҳлил қила билиш;
- шахс психологиясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли муассасаларда туристик (гид), ҳаво кемаларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;
- узлуксиз таълим тизими муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва татбиқ этишни билиш;

- таълим жараёнида меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш *қобилиятларига эга бўлиши керак*.

3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар;
умумкасбий фанлар;
ихтисослик фанлари;
қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилотларда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва муассасаларда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллари жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши; ёш физиологияси ва гигиена асосларини, физиологик қонунлар, тушунчалар, физиологик жараёнларнинг хусусиятлари, физиологик муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш, тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи, географияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, уларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги геосиёсий ўрни ҳақида билиши ва улардан таълим жараёнида фойдалана олиши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) асосида тил кўникмаларини (ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш, гапириш, ёзиш) ривожлантириб бориш;

- ўрганилаётган асосий ва иккинчи чет тилнинг морфологик тузилиши ва товуш тизими;

- ўрганилаётган тиллардан она тилига таржима қилиш амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;

- ўрганилаётган тилларнинг ривож ва тил доирасидаги экстралингвистик шаклланиш ва ривожланишнинг асосий омиллари ҳамда тарихий манбалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

- ўрганилаётган чет тилларнинг адабий ёзма ва оғзаки шаклларини;

- тилнинг илмий тавсифи, орфография, пунктуация, лексик-грамматик хусусиятлари, сўз ясалиши ва унинг тузилиши, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш қонуниятларини;

- кўлёзмалар фонди, архив, кутубхона ва музейларда кўлёзма китобларни тавсифлаш, каталоглаштириш усулларини;

- матнни транскрипция қилиш қоидаларини;

- тадқиқот учун зарур бўлган манбаларни аниқлаш ва каталоглар тузиш усулларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

- ўрганилаётган тиллардаги адабий матнларни она тилига таржима қила олиш;

- чет эллик мутахассислар билан муайян соҳада ва ижтимоий масалаларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориш;

- ўрганилаётган чет тилларда илмий мулоқот қилиш, нутқ сўзлаш;

- ўрганилаётган чет тиллардан она тилига суҳбат, нутқ ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш;

илмий-тадқиқот учун материал ва маълумотлар тўплаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

– тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

– чет тили ўқитишнинг замонавий методларини, жумладан ахборот технологияларини қўллаш;

календар-тематик режа туза олиш;

– сўз ва гапларни турли таҳлил методлари ёрдамида таҳлил эта билиш;

– талабаларга талаффуз, урғу, интонация ва бўғин масалаларини тушунтириш ва ўқитиш;

– она тилидан чет тилига ва чет тилидан она тилига таржима қилиш усул ва услубларини эгаллаш;

– тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиш, тил сатҳларини ўқитишга коммуникатив ёндашув, маданиятлараро мулоқот компетенциясини ривожлантириш;

– таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

– таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

– меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

– таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

– касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим -	60 %;
аттестациялар -	9 %;
таътил -	17 %;
малакавий амалиёт -	11 %;
битирув малакавий иши -	3 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар -	27 %;
умумкасбий фанлар -	46 %;
ихтисослик фанлар -	21 %;
қўшимча фанлар -	6 %.

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)
бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1810
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил (иккинчи чет тили)	758
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт	128
1.08	Ахборот технологиялари	122
1.09	Илмий иш асослари	62
1.10	Ёш физиологияси ва гигиена	60
1.11	Мамлакатшунослик	122
1.12	<i>Танлов фанлари</i>	60
2.00	Умумқасбий фанлар	3020
2.01	Асосий ўрганилаётган чет тили	2626
2.02	Тилшунослик	134
2.03	Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти	198
2.04	<i>Танлов фанлари</i>	62
3.00	Ихтисослик фанлари	1356
3.01	Ўрганилаётган тил назарий аспектлари	460
3.02	Қиёсий типология	112
3.03	Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари	122
3.04	Умумий педагогика	122
3.05	Умумий психология	122
3.06	Роман-герман филологиясига кириш	62
3.07	Таржима назарияси ва амалиёти	72
3.08	Адабиётшунослик	98
3.09	<i>Танлов фанлари</i>	186
4.00	Қўшимча фанлар	402
	Жами	6588
	Малакавий амалиёт	1188
	Битирув малакавий иши	324
	Аттестациялар	972
	Жами	2484
	ҲАММАСИ	9072

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), ўқув цикли, тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари; имло хусусиятлари, тилнинг луғат таркиби, ўрганилаётган тилнинг функционал услублари; нутқ маданияти масалалари; ёзма ва оғзаки нутқда турли услубий воситалардан фойдаланиш; публицистик ва бадиий адабиёт намуналари; ўрганилаётган тилдан она тилига ва она тилидан ўрганилаётган тилга таржима йўллари; матн таржимаси асослари; талабаларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш; ўрганилаётган тилда расмий ҳужжатлар юритиш ва расмий ёзишмалар усуллари; бадиий адабиётнинг умумий хусусиятлари, унинг вазифаси, бадиий асарнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа типдаги матнлардан фарқи, асарнинг бадиийлигини таъминловчи воситалар; бадиий асарларнинг турлари ва жанрлари.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Ректор Г.Рахимов

2018 йил « 6 » август

Республика таълим маркази

Директор М.Эсанов

2018 йил « 6 » август

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-
хунар таълимини ривожлантириш
маркази

Директор Б.Х.Рахимов

2018 йил « 7 » август

М.Ў.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети

Ректор Ш.Сирожиiddинов

2018 йил « 7 » август

М.Ў.

Ўзбекистон миллий университети

Ректор А.Марахимов

2018 йил « 7 » август

М.Ў.















Чет тилларни ўқитишнинг инновацион
методикаларини
ривожлантириш республика илмий-амалий
маркази

Директор У.Азизов

2018 йил « 7 » август

М.Ў.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 5111400-Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси), 5120200-Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) бакалавр таълим йўналишлари, 5A120102-Лингвистика (роман-герман тиллари), 5A120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти), 5A120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби

T/p	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	Т.Мадрахимов	ЎзДЖТУ ўқув ишлари проректори, ф.ф.н., доцент	
Аъзолари:			
2	У.Яриев	ЎзДЖТУ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи	
3	С.Хожиев	ЎзДЖТУ магистратура бўлими бошлиғи	
4	А.Юлдашев	Инглиз тили №1 факультети декани	
5	П.Омонов	Инглиз тили №2 факультети декани	
6	Б.Қулматов	Инглиз тили №3 факультети декани	
7	Ҳ.Ҳакимов	Роман-герман филологияси факультети декани	
8	С.Зияева	Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани	
9	Я.Абдураимова	Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш кафедраси мудири	
10	М.Галиева	Лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси мудири	
11	С.Абдуллаева	Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	
12	З.Давронова	Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	
13	Т.Олтиев	Испан тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	
14	В.Нормуратова	Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	

Ректор















Ф.Рахимов

Ўқув ишлари бўйича проректор

Т.Мадрахимов



Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 5111400-Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси), 5120200-Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) бакалавр таълим йўналишлари, 5A120102-Лингвистика (роман-герман тиллари), 5A120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти), 5A120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари мазмуни бўйича ишчи гуруҳнинг келишув варақаси

№	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари	Аъзоларнинг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	Раис	Т.Мадрахимов	ЎзДЖТУ ўқув ишлари проректори, ф.ф.н., доцент	
	Аъзолар:			
2	Аъзо	У.Яриев	ЎзДЖТУ ўқув-услугий бошқарма бошлиғи	
3	Аъзо	С.Хожиев	ЎзДЖТУ магистратура бўлими бошлиғи	
4	Аъзо	А.Юлдашев	Инглиз тили №1 факультети декани	
5	Аъзо	П.Омонов	Инглиз тили №2 факультети декани	
6	Аъзо	Б.Қулматов	Инглиз тили №3 факультети декани	
7	Аъзо	Ҳ.Ҳакимов	Роман-герман филологияси факультети декани	
8	Аъзо	С.Зияева	Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани	
9	Аъзо	Я.Абдураимова	Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш кафедраси мудири	
10	Аъзо	М.Галиева	Лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси мудири	
11	Аъзо	С.Абдуллаева	Немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	
12	Аъзо	З.Давронова	Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	
13	Аъзо	Т.Олтиев	Испан тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	
14	Аъзо	В.Нормуратова	Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси мудири	

Ректор

Ғ.Рахимов

Ўқув ишлари бўйича проректор

Т.Мадрахимов

Ўқув-услугий бошқарма бошлиғи

У.Яриев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	НОМИ
1.	5120100	<p>Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)</p> <ul style="list-style-type: none"> - умумтаълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида ўрганган асосий ва иккинчи чет тилларини ўқитиш; - замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш; - ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш; - ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш; - чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қиска курслар); - мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш кўникмаларига эга бўлиши керак. - тилшунослик соҳасидаги илмий текшириш институтларида кичик илмий ходим, тадқиқотчи-изланувчи; - намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; - ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий ахборотларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографиялар тузиш; - илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида маърузачи, муҳокамаларда қатнашувчи ва референт сифатида иштирок этиш; - соҳага оид журналларга мақола ва тақризлар тайёрлаш; - интернет тармоғида энг янги илмий, адабий ва лисоний янгиликлар, янги педагогик технологиялар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда излаш ва топиш; - илмий-тадқиқот ва таълим муассасаси жамоаси таркибида касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятига эга бўлиши керак. - давлат ва давлатга қаршли бўлмаган хусусий таълим ташкилотларида чет тиллардан таржimonлик қилиш;

- маориф, маданият, туризм соҳаларида, турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, қўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, референт вазифасида ишлаш;
- давлат бошқарув тизимида фаолият юрита олиш;
- техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш;
- меҳмонхоналарда ва сайёҳлик фирмаларида менежерлик ва маъмурий ходим сифатида ишлаш кўникмаларига эга бўлиши керак.
- тил ва адабиётга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- АРМда ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ҳамда сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шaroитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятига эга бўлиши лозим.
- оммавий ахборот воситаларида муҳбирлик ва муҳаррирлик ишларини амалга ошириш, мустақил мақола, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш қобилиятини шакллантириш;
- нашриёт ва таҳрир соҳасида бадий ва илмий асарларни, соҳага оид рисола ва монографиялар бўйича мусахҳих ва муҳаррирлик фаолиятини амалга ошириш;
- ноширлик муассасаларида таржимон ва адабий ходим бўлиб фаолият юритиш;
- архив ва адабиёт музейларида экскурсовод, илмий ходим сифатида ишлаш ва соҳага оид иш жараёнини ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак.
- ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;
- шахс психологиясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли муассасаларда туристик (гид), ҳаво кемаларида сервис ходими, турли фирма ва меҳмонхоналарда менежер хизматини кўрсата олиш;
- узлуксиз таълим тизими муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни егаллаш ва таъбиқ этишни билиш;
- таълим жараёнида меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга кўйилдиган талабларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиши керак.



Республика таълим маркази директори

М.Эсанов

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилган малака талаблари
ва ўқув режаларининг турдош ОТМлари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Тошкент ш.

“ 7 ” 08 2018 йил

Қатнашдилар: Т.Мадрахимов –ЎзДЖТУ ўқув ишлари бўйича проректори, У.Яриев–ЎзДЖТУ ўқув–услубий бошқармаси бошлиғи, И.Жўраева -ЎЗМУ, (турдош ОТМ), Ж.Джумабаева – ЎЗМУ, (турдош ОТМ), Р.Яркулов-ТДЎТАУ, (турдош ОТМ).

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида ЎзДЖТУ мутахассислари томонидан 5111400-Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси), 5120200-Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) бакалавр таълим йўналишлари, 5А120102-Лингвистика (роман-герман тиллари), 5А120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти), 5А120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассисликлари учун ишлаб чиқилган малака талаблари ва намунавий ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ: У.ЯРИЕВ — Мазкур бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда ушбу таълим йўналишлари негиздаги магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва намунавий ўқув режалари университет мутахассислари томонидан белгиланган талаблар асосида, шунингдек соҳа мутахассислари ва турдош ОТМларнинг билдирган фикр ва таклифлари инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Ушбу масалалар бўйича қандай фикрлар бор?

СЎЗГА ЧИҚДИ: Р.ЯРҚУЛОВ – Ҳақиқатдан ҳам юқорида эътироф этилган мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган малака талаблари ва намунавий ўқув режалари ўқув жараёнига зарур ва мос келади, деб ҳисоблаймиз ва уларни тасдиқлаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълимини ривожлантириш марказига тақдим этиш мумкин.

И.ЖЎРАЕВА – Биз ЎзДЖТУ томонидан яратилган малака талаблари ва ўқув режалари билан танишиб чиқдик ва бизга маъқул бўлди. Малака талабларида ўқишнинг меъёрий муддати, касбий фаолият соҳаси ва объектларнинг тавсифи, касбий фаолият турлари ва касбий мослашув имкониятлари кенг ёритилган. Бакалавр ва магистрлар тайёрлашга қўйилган талабларда умумий малакавий талаблар, касбий ва ихтисослик бўйича бериладиган билимларга, фанлар бўйича малака ва кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган талаблар тўғри кўйилган.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан тайёрланган қуйидаги 5111400-Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси), 5120200-Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) бакалавр таълим йўналишлари, 5А120102-Лингвистика (роман-герман тиллари), 5А120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти), 5А120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари вазирлик томонидан белгиланган меъёрларга қатъий амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралар ва Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИлари билан келишилганлиги инобатга олинган.

2. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган.

3. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

Мажлис раиси

Котиб



Т.Мадрахимов

У.Яриев

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети бакалавриат таълим йўналишлари
ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув
режаларининг ишлаб чиқувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида
келишув**

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

7 08 2018 йил

Биз қўйида имзо чекувчилар - Республика таълим маркази директори М.Эсанов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси С.Сайидов, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Ш.Сирожиддинов, Ўзбекистон миллий университети ректори А.Марахимов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори Ш.Шарипов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори Ғ.Рахимовлар ЎзДЖТУда ишлаб чиқилган қўйидаги 4 та бакалавриат таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассисликлари малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 5111400- Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)
2. _____-Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)
3. 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)
4. 5120200-Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)
5. 5A120102-Лингвистика (роман-герман тиллари)
6. 5A120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)
7. 5A120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича)

Юқоридаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инobatга олинган.

Малака талабларнинг қайта ишлаб чиқилишида: фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

Ишлаб чиқилган малака талаблар ва ўқув режаларни ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Республика таълим маркази директори

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси

Ўзбекистон миллий университети ректори

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
ректору

Тошкент давлат педагогика университети ректори

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
ректору

М.Эсанов

С.Сайидов

А.Марахимов

Ш.Сирожиддинов

Ш.Шарипов

Ғ.Рахимов

5111400- Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) бакалавриат таълим йўналишлари, 5A120102 - Лингвистика (роман-герман тиллари) ва 5A120101 - Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) магистратура мутахассисликларининг малака талабларига

ТАҚРИЗ

Республикамыз узлуксиз таълим тизимининг турли босқичларида чет тилларини ўқитиш сифати ва даражасини мунтазам равишда миллий ва хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириб бориш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

ЎзДЖТУ томонидан *5111400- Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) бакалавриат таълим йўналишлари, 5A120102-Лингвистика (роман-герман тиллари) ҳамда 5A120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) магистратура мутахассисликлари бўйича тузилган малака талаблари халқаро андозаларга мос равишда такомиллаштирилган ва жаҳон таълим тизимида энг етакчи мамлакатлар стандартлари тажрибасига асосланиб ишлаб чиқилган.*


Малака талабларда битирувчиларнинг профессионал фаолият соҳаси ва тури тавсифи, квалификацион ҳамда ўқув фанлари бўйича талаблар, таълим дастурининг структура ва таркиби, уни амалга ошириш механизми ва сифатини назорат қилиш аниқ белгилаб берилган. Малака талабларда чет тили ўқитувчилари ва тилшунос мутахассислар тайёрлаш учун зарур бўлган фанлар ва улар мазмуни ўз аксини топган.

Ихтисослик ва мутахассислик фанлари мазмуни фан тараққиёти ва у билан боғлиқ муҳим масалаларни ўзида акс эттиради. Мазкур курслар талабаларда назарий ва амалий билимларни шакллантириши, танланган ихтисослик бўйича билимлар базасини яратиши, жамлаши ва улардан фойдалана олиш кўникмаларини ривожлантириши, илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *5111400- Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошлангич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) бакалавриат таълим йўналишлари, 5A120102 - Лингвистика (роман-герман тиллари) ҳамда 5A120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва намунавий ўқув режалари меъёрий талаблар доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда тузилган. Шу боис мазкур ҳужжатларни кадрлар тайёрлашнинг асосий ҳужжати сифатида қабул қилиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.*

ЎзМУ, Хорижий филология факультети
декани, филология фанлари номзоди

И.А.Жўраева



2439





5111400 - Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) бакалавриат таълим йўналишлари, 5A120102 - Лингвистика (роман-герман тиллари) ва 5A120101 - Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) магистратура мутахассисликларининг малака талабларига

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим изимини ислоҳ қилиш, айниқса олий таълимни ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация воситалари кенг жорий этилаётган жамиятда билимларнинг тез янгиланиб бориши таълим олувчилар олдида ана шу билимларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини кўймоқда.

ЎзДЖТУ томонидан *5111400- Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) бакалавриат таълим йўналишлари, 5A120102-Лингвистика (роман-герман тиллари) ва 5A120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) магистратура мутахассисликлари бўйича* тузилган малака талаблари халқаро андозаларга мос равишда такомиллаштирилган ва жаҳон таълим тизимида энг етакчи мамлакатлар стандартлари тажрибасига асосланиб ишлаб чиқилган. Хусусан, Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” (CEFR) тўғрисидаги умумэътироф этилган халқаро меъёрлари эътиборга олинган.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ишлаб чиқилган ва халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитларида кадрларга нисбатан ишлаб чиқаришда, амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган. Компетентлик талаблари халқаро стандартларга яқинлаштирилган ва умуммаданий ва касбий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқилган.

Малака талабларида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, таълим дастурининг тузилмаси ва мазмуни, таълим дастурининг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилган. Умумкасбий ва мутахассислик фанлари замон талаблари асосида танланган ва уларга етарлича соат ажратилган.

5111400- Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича), Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича), 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман тиллари) бакалавриат таълим йўналишлари, 5A120102-Лингвистика (тиллар бўйича), 5A120101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) магистратура мутахассисликлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари талабанинг келгусида мустақил илмий тадқиқот, илмий педагогик ва бошқарув соҳасида профессионал фаолият олиб боришига хизмат қилади. Ушбу малака талаблари меъёрий талаблар даражасида тузилганлигини эътироф этган ҳолда уларни кадрлар тайёрлашнинг асосий ҳужжати сифатида қабул қилиш ҳамда ҳаракатга киритиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи, профессор



М.Ирскулов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Ижтимоий ва гуманитар фанлар ўқув-услубий бирлашмаси йнгилиши
БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

“ 10 ” 08 2018 йил

Қатнашдилар: Бирлашма раиси – А.М.Маннонов

Аъзолари: Ўқув-услубий бирлашма котиби: С.М.Умарова

ўқув-услубий бирлашма аъзолари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари муҳокамаси:

5111400 - Хорижий тил ва адабиёт (тиллар бўйича)

5122200 - Мактабгача ва бошланғич таълимда хорижий тил (тиллар бўйича)

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)

5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)

5A120101- Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)

5A120102 - Лингвистика (роман-герман тиллари)

5A120201 - Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (роман-герман тиллари)

2. Турли масалалар.

ЭШИТИЛДИ: Ўқув-услубий бирлашма раиси А.М.Маннонов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида ЎзДЖТУ ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан 4 та бакалаврият таълим йўналиши ва 3 магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режалари хақида йнгилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Т.Мадраҳимов – ЎзДЖТУ ўқув ишлари бўйича проректори, ф.ф.н., доцент. – Юқорида қайд этилган қарор ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида

университетда ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан, университет таянч этиб белгиланган 4 та бакалаврият таълим йўналишлари ва 3 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ишлаб чиқилди. Уларга тегишли ташкилотлар мутахассисларидан тақризлар олинди. Кадрлар истеъмолчилари ва турдош олий таълим муассасалари билан келишув мажлиси ўтказилиб, баённома ёзилиб, тасдиқланди. Хорижий тажрибалар тўғрисида маълумотлар илова қилинди.

Сизлардан тайёрланган малака талабларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Х.Ҳакимов –профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча малака талаблари белгиланган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни бажаришга мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган малака талабларни маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

Ишчи гуруҳ аъзолари: У.Яриев, А.Юлдашев, П.Омоновлар ҳам сўзга чиқиб, ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган малака талаблари борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, ишлаб чиқилган малака талаблари замонавий талаблар асосида тайёрланганлиги, уларда мутахассисликларнинг тегишли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар инobatга олинганлигини таъкидлашди ҳамда ишлаб чиқилган малака талабларини тасдиқлаш учун тавсия этишди.

Йиғилиш аъзоларининг билдирган фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олиб «Ижтимоий ва гуманитар фанлар» ўқув-услубий бирлашмаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. ЎзДЖТУ да ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш бўйича Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги, таянч ва турдош ОТМлар ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, тегишли илмий-тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги инobatга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган малака талаблари лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилиб, улар томонидан таркиби ва мазмуни, маъруза, амалий ва семинар машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларнинг семестрларда ўқитилиш кетма-кетлигида узвийлик ва узлуксизлик тамойилларига риоя қилиш бўйича берилган таклиф ва талаблари инobatга олинганлиги таъкидлансин. Ишлаб чиқилган малака талаблари ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

“Ижтимоий ва гуманитар фанлар”
Ўқув-услубий бирлашмаси раиси

Бирлашма котиби:



А.М.МАННОНОВ

С.М.УМАРОВА

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талабларининг ишлаб чиқилишига
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалаврият таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 12-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Олдинги бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми билан қиёслаганда янги малака талаби бўйича бакалавриятда “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” ва “Математик ва таббий-илмий фанлар” блоклари бирлаштирилиб, номи “Гуманитар фанлар ва таббий-илмий фанлар”га ўзгартирилди ва умумий юклама ҳажми 15-20 %дан 20-30%гача оширилди. “Умумқасбий фанлар” блокнинг ҳажми 45-50 %дан 30-50 %гача, “Ихтисолик фанлари” блокнинг ҳажми 10-15%дан 20-35 %гача кўпайди. Шу билан бирга бакалавриятда назарий таълим билан ишлаб чиқаришни боғлаш учун малакавий амалиёт муддатлари 16 ҳафтадан 22 ҳафтага оширилди ва аудитория машғулотларининг ҳафталик юкламаси 32 соатдан 30 соатга қисқартирилди.

Ушбу малака талаблари халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитларида кадрларга нисбатан ишлаб чиқаришда, амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган;


Ўқув юкламаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди;

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди;

Малака талаб ва унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инobatга олинган бўлиб, малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди;

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) таълим йўналишининг малака талабига тажрибада синовдан ўтган таълим, ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Ўқув ишлари бўйича проректор



Т.Мадрахимов

07	Мустақил таълим кўникмалари	60		36				-36	2-блокга ўтказилди
08	Чет тилини ўрганишда АКТ	60		36				-36	Танлов фанга ўтказилди
09	Социология	60		36				-36	Ўқув режадан чиқарилди
10	Танлов фанлари	122		72	114		60	-12	
00	Умумқасбий фанлар	3526	50	2074	3020	46	1668	-406	2-блок деб ўзгартирилди
01	Тил кўникмалари интеграцияси	492		288				-288	Ушбу аспектлар бирлаштирилиб “Асосий ўрганилаётган чет тили” деб номланди
02	Ўқиш ва ёзиш амалиёти	888		520				-520	
03	Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш	122		72				-72	
04	Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси	642		376				-376	
05	Тил аспектлари амалиёти	492		288				-288	
06	Тилшунослик	118		70	134		74	+4	
07	Адабиётшунослик	118		70				-70	Ихтисослик фанлар таркибига ўтказилди
08	Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти	206		122	198		108	-14	
09	Иккинчи чет тили	382		232				-232	1-блок таркибига ўтказилди
10	Танлов фанлари	66		36	62		34	-2	
00	Ихтисослик фанлари	1056	15	652	1394	21	764	+112	3-блок деб ўзгартирилди
01	Ўрганилаётган тил назарий аспекти	478		298	454		252	-46	
02	Таржима назарияси ва амалиёти	72		44	72		40	-4	
03	Тиллар ўқитиш методикаси ва таълим технологиялари	118		72	122		68	-4	
04	Умумий педагогика	118		72	122		68	-4	
05	Умумий психология	118		72	122		68	-4	
06	Танлов фанлари	152		94	152		94		
00	Қўшимча фанлар	456	6	246	426	6	246		4-блок деб ўзгартирилди
	Жами	7020	100	4160	6588		3660	-500	
	Малакавий амалиёт	972			1188			+216	Малакавий амалиёт ўтказиши 22 ҳафтага ўзайтирилди
	Битирув малакавий иши	270			324			+54	
	Аттестациялар	1026			972			-54	
	Жами	2268			2484			+198	
	ҲАММАСИ	9288			9072			-216	


Изоҳ: 2018 йил ўқув режасида “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” ва “Математик ва табиий-илмий фанлар” блоклари бирлаштирилиб, номи “Гуманитар фанлар ва табиий-илмий фанлар”га ўзгартирилди, фанлар сони 16 тадан 11 тага камайтирилди, умумий юклама ҳажми 34,2 %дан 27%га камайтирилди.

“Умумқасбий фанлар” 3-блок 2-блок деб ўзгартирилди, ўқув юклама ҳажми 50 %дан 46 %га ўзгартирилди

“Ихтисослик фанлар” 4-блок 3-блок деб ўзгартирилди, ўқув юклама ҳажми 15 % дан 21% гача оширилди.

Шу билан бирга бакалавриятда назарий таълим билан амалиётни боғлаш учун малакавий амалиёт муддатлари 18 ҳафтадан 22 ҳафтага оширилди, аудитория машғулотларининг ҳафталик юкламаси 32 соатдан 30 соатга қисқартирилди.

ЎзДЖТУ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи


ИМЗО

У.Яриев

М.Ў.

Таълим йўналиши малака талабининг халқаро миқёсдаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш

Бакалавр таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси (бакалаврият)	Франция (Licence)	Россия (бакалаврият)
1.	Бошланиши	Ўрта махсус ва касб-хунара таълими тизимидан сўнг	Лицей ва коллеждардан сўнг	Ўрта мактабдан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил	3 йил	4 – 5 йил
3.	Гуруҳдаги талабалар сони	10-15 – филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)	10-15	10-15
4.	Ўқитиш жойлари	Ихтисослашган факультетларда: ЎЗМУ, ЎЗДЖТУ, СамДЧТИ, УрДУ, НамДУ, БухДУ, АндДУ, НДУ	ОТМларнинг ихтисослашган факультетларида: Париж IV Сорбонна, INALCO (Шарк тиллари ва цивилизацияси институти)	ОТМларнинг ихтисослашган факультетларида: Москва давлат лингвистик университети, Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети
5.	Таълим берувчилар	Филология таълим йўналиши бўйича ўқитувчи, катта ўқитувчи фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар.	Соҳа бўйича мутахассислар ҳамда профессор-ўқитувчилар ва фан докторлари.	Филология таълим йўналиши бўйича ўқитувчи, катта ўқитувчи фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар.
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	Факультет декани ва кафедра мудири томонидан амалга оширилади.	Олий таълим муассаса қошидаги бўлим ва илмий марказлари раҳбарияти томонидан амалга оширилади.	Факультет декани ва кафедра мудири томонидан амалга оширилади.

Бакалавриятда таълим жараёнининг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Франция	Россия	Швецария
1.	Назарий таълим	Фанларнинг асосий қисми маъруза, амалий ва семинар тарзида ўтади	Асосий қисми маърузалар ва илмий семинар кўринишида ўтади	Маърузаларнинг аксарият қисми тақдирот ва илмий семинар кўринишида ўтади.	Асосий қисми маърузалар ва илмий семинар кўринишида ўтади
2.	Амалий таълим	Амалий машғулотлар, семинар, малака амалиёти, тестлар ва амалий мулоқат кўринишида ўтади. Бундан ташқари бакалавр олган назарий ва амалий билимларни таълим жараёнида илмий-педагогик ва малакавий фаолиятида ҳам тажрибадан ўтказишади.	Амалий машғулотлар, семинар, лойиха ишлари кўринишида ўтади.	Амалий машғулотлар, семинар, лойиха ишлари ва тақдиротлар кўринишида ўтади.	Амалий машғулотлар, семинар, лойиха ишлари кўринишида ўтади. (Давра суҳбати мастер класслар кўринишида ҳам бўлиши мумкин)
3.	Илмий – тадқиқот ишлари	Бакалавриятда таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув ишини ёзишади.. Тегшли кафедра профессор-ўқитувчилари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш билан шуғулланадилар.	Бакалаврият талабалари ўқиш жараёнида илмий иш мавзуси кейинги босқичда магистрлик диссертация ишига асос сифатида танланади ва мустақил илмий изланиш кўринишида амалга оширилади. Бакалавриятда ўқиш жараёнида илмий раҳбар танланади. Турли олий таълим муассасаларида ўзига хос ёндашувлар мавжуд: - бакалаврият босқичининг биринчи ярмида кўпроқ касбий фаолиятнинг амалий жиҳатига йўналтирадиган фанлар ўтилади, 3-4 босқичда эса уларнинг назарий билимларига эътибор бериледи.	Бакалавр талабалари ўқиш жараёнида филологик ва лингвистик муаммолари асосан ўқитувчиси раҳбарлигида амалий жихатдан хал этилади. Бакалавриятда ўқиш жараёнида илмий раҳбар танланади. Турли олий таълим муассасаларида ўзига хос ёндашувлар мавжуд: - бакалавриятнинг босқичларида кўпроқ касбий фаолиятга йўналтирадиган фанлар ўтилади, 3-4 босқичда эса бакалаврнинг назарий билимларини кучайтириш билан бирга	Бакалавриятда таълим олувчилар танлаган мавзуси (амалий таржима) бўйича битирув ишини ёзишади. Тегшли кафедра профессор-ўқитувчилари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш билан шуғулланадилар.

	4.	Мустақил таълим	Мустақил ишлар фан бўйича профессор-ўқитувчилар томонидан тавсия қилинган мавзулар бўйича реферат, тақдимот ва химоя шаклида ўтказилади.	Мустақил таълим кутубхона ва Интернетдан фойдаланиш билан ўтади.	Бакалаврлар ўқиш даври-нинг асосий қисмини мустақил тайёрланиш учун кутубхона ва Интернетдан фойдаланиш билан амалга оширилади.	Бакалавр таълим йўналишининг ўқув ва ишчи дастурларида келтирилган намунавий мавзулар асосида уларнинг битирув ишларига раҳбарликни амалга оширади. Бакалаврлар назарий ва амалий машғулотлар, битирув иши мате-риалларини тўллашда кутубхона ва интернет тармоғидан кенг фойдаланадилар...
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Бакалаврларнинг назарий ва амалий кўникма ва малакалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимлари баҳолашнинг рейтинг тизими асосида ўтказилади. Унда жорий, оралик якуний баҳолаш турлари назарда тутилади. Якуний давлат аттестацияси ёзма иш шаклида ўтказилади. Битирув иши 100 баллик тизимда баҳоланади.	Ўқув йили икки семестрдан иборат бўлиб, талабалар билими семестр якунида имтихон билан баҳоланади. Талабалар битирув ишини химоя қиладилар.	Таълим йўналиши бўйича давлат имтихонлари ва диплом химояси кўра натижаларига аниқланади.	Бакалаврларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштири-ши оралик тест саволлари орқали, билимларни даврий оғзаки кўри-нишда текшириш, ҳар ярим йи-лда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. Ўқув дастури сўнги-да бакалаврлар таълим йўналиши бўйича барча назарий ва амалий билимларни ўз ичига олган ёзма имтихон топширадилар. Якуний давлат аттестация саволлари ёзма кўринишида талаб қилинади. Асосий баҳолаш диплом хи-мояс натижаларига кўра аниқла-нади.	

Бакалавриятда таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Буюк Британия	Муддати	Россия	Муддати	Швейцария	Муддат
Таржима назарияси ва тарихи	Бир семестр давомида	Таржима назарияси	3-4 ой	Таржимашунослик ва маданиятлараро мулоқат	4 ой	Таржима назарияси	4 ой
Асосий чет тили	4 йил давомида	Асосий ўрганилаётган чет тили А тил , иккинчи тил В тил , учинчи тил С тил деб юритилади.	Ўқиш давомида	Асосий чет тили	Ўқиш давомида	Асосий ўрганилаётган чет тили А тил , иккинчи тил В тил , учинчи тил С тил деб юритилади.	Ўқиш давомида
Мамлакатшунослик	Бир семестр давомида	Цивилизация	бир-икки семестр давомида	Мамлакатшунослик	бир-икки семестр давомида	Цивилизация	Икки семестр давомида

